



ИСЛОМ ФАЛСАФАСИДА ТАСВИРИЙ САНЬЯТ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ УЙГУНЛАШУВИ

HARMONIZATION OF FINE ARTS AND RELIGIOUS VALUES IN ISLAMIC PHILOSOPHY

Эшанова Гулчехрахон Нумоновна Низомий номидаги

Тошкент давлат педагогика университети доценти,
фалсафа фанлари номзоди eshanova2021@gmali.com

АННОТАЦИЯ

Ислом фалсафасида тасвирий санъатнинг уйғунлашуви ўзига хос санъат миниатюра, нақш, китоб санъати, меъморчилик каби турларида тасвирланган. Ислом фалсафасида комил инсоннинг маънавий фазилатлари, ахлоқи, дунёқараши кабилар тасвирланади. Ислом қадриятлари замонавий мусаввирлар ижодида ҳам санъатнинг ижодий давом этиб келаётгани ёритилади. Ислом фалсафасининг инсонпарварлик, гўзаллик, ахлоқ каби қадриятларниң санъатдаги ифодаси жамиятнинг барқарор ижтимоий маънавий муҳитини ёшлиар дунёқарашини шакллантиришдаги фикрлар ёритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Ислом фалсафаси, санъат, тасвирий санъат, дин, қадрият, миниатюра, нақш, комил инсон, гўзаллик, ахлоқ, инсонпарварлик, дунёқараш, мусаввир.

ANNOTATION

In the philosophy of Islam, the combination of fine art is described in such types of art as miniatures, patterns, book art, and architecture. Islamic philosophy describes the spiritual qualities, morals, and outlook of a perfect person. It is highlighted that the Islamic values continue to be creative in the works of modern artists. The ideas of the expression of Islamic philosophy values such as humanity, beauty, morality in art, the stable socio-spiritual environment of the society and the formation of the worldview of young people are highlighted.



KEY WORDS: Islamic philosophy, art, visual arts, religion, value, miniature, pattern, perfect man, beauty, morality, humanitarianism, world view, artist.

Санъат бу ижтимоий онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос шаклидир. Санъат одамларнинг эстетик дунёқарашини хис туйғуларини гўзаллик руҳида тарбиялаш, уларни турли мақсадлари, хис туйғулари, манфаатлари ва идеалларини ифодалаб келган. Шунингдек санъатнинг билиш вазифасидан ташқари инсоннинг маҳоратини намоён қиласди, ижод қилишга ундейди. Санъат инсонни ҳаёт мазмунини билими, маҳорати ва қобилиятларини намоён этиб борувчи ижодий фаолиятдир. Санъат дунёни гўзаллик қонунлари асосида акс эттиради. Инсонни аввало инсонни, дунёни эстетик англашга, бошқаларга, табиат ва жамиятга аҳлоқий ва эстетик идеал нуқтаи назаридан ўз баҳосини беради. Ахлоқий қарашлар инсонпарварлик, эзгулик, яхшилик, санъатда гўзаллик, улуғворлик каби ғоялар инсонда шаклланишига ёрдам беради.

Санъат асарларининг мазмуни бадиий образларда, бадиий тафаккур воситасида ифодаланиб, унинг асосий таъсир кучи инсон маънавий дунёсини шакллантиришга, хис-туйғуларини тарбиялашга қаратилади.

Санъатда диндаги маънавий-ахлоқий қадриятлар бадиий акс эттирилади. Бундай мазмундаги асарлар бадиий ижод ва бадиий идрок тушунчалари воситасида берилади. Санъатнинг бадиий адабиёт, меъморчилик, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқа кўринишлари мавжуд. Булар энг қадимги санъат турларидан бўлиб, тасвирий санъатда воқеалар, борлик, табиат текис юзада чизиқлар ва ранглар орқали тасвиранади.

Маълумки, фалсафа тарихида инсон тўғрисидаги қарашлар уларнинг эътиқодлари билан узвий боғлиқдир. Тоталитар тузум даврида инсон ақлий салоҳияти, маънавий, ижодий имкониятлари камситилди. Минглаб йиллар давомида шаклланган ва ривожланган бир-бири билан боғланган маънавий ва маданий мерос ижобий ва салбий ғояларга бўлиб юборилди. Айниқса, диннинг хурофот деб талқин этилиши, инсоният маънавиятининг шаклланиши ва ривожланишига мағкуравий салбий таъсир кўрсатди. Айни пайтда, бу омиллар собиқ иттифоқ даврида маънавий инқизорзининг сабабларидан бири бўлди.

Бугунги кунда миллий ахлоқ, маънавият каби миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, аждодларимизнинг бебаҳо меросини



ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялашда жамиятнинг барқарор ижтимоий-маънавий муҳитини таъминлаш мухимдир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда “ёшларнинг қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятидан хабардорлиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, уларда соғлом турмуш тарзига риоя этиш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, тинчликпарварлик ва миллатлараро тотувлик, виждан эркинлиги, барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш каби умумисоний қадриятлар билан бирга миллий-ахлоқий қадриятларни камол топтириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллик, мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантириш;”¹ масалалари долзарб хисобланади.

Бу фикрларда ўзбек ҳалқининг маънавий қадриятларини тиклашга, ўзлигини англашга интилиши, замондошларимиз ижодий изланишларини эътиборга олиш назарда тутилган. Уларнинг ижодий изланишлари, дунёқарашлари эндиликда кенг маконда тасвирланиб, бугунги постмодернизм ва ўзга маданиятларнинг ранг-баранглиги ҳам ўзига тортмоқда. Бугунги санъат инсонпарварлик ва бунёдкорлик йўналиши мазмунини беради. Миллий санъатимиз умумисоний маданият, санъат даражасига кўтарилимоқда.

Европа мамлакатларида умумисоний ғоялар намойиш этилиб, миллийлаштиришга интилиш бирмунча эскирмоқда. Ҳозирги маданиятда келажакни миллий мактаблар эмас, рассомнинг ижодий ўзига хослиги белгилайди, деган қарашлар ёйилди. Бугунги кунда Фарбий Европада модернизм постмодернизм билан бирга яшаб келмоқда. Жумладан, XX аср рассомларининг қубизм, экспрессионизм, абстракционизм, объект, фотоарт, инсталляция каби турли услубий йўналишлари кўзга ташланади.

Ўзбек рассомлари ижодида ҳам “янги тўлқин” юзага келдики, жумладан, Файзулла Аҳмадалиев, Баҳодир Жалолов, Ақмал Нур, Жамол Усмонов, Жавлон Умарбеков каби кўпгина рассомларимиз ижодларида замонавий санъатда намойиш этилган санъат асарлари объектлар, картиналар, кинематик ҳайкаллар, инсталляция композицияси усуллари сифатида намойиш этиб келмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сон <https://lex.uz/docs/4545884>



Санъат асарларида бадиий-эстетик образлар ва диний қадриятларни акс эттириш вазифаси шундай намоён бўладики, у инсонларга фақат ғоявий-эстетик таъсир кўрсатиш эмас, шахс ва жамият маънавиятини шакллантиришга хизмат қилиши лозим.

Динда маънавий, ахлоқий, эстетик қадриятлар борки, бу кишиларнинг маънавиятига кучли таъсир этади.

Шундай экан, дунёдаги барча диний маданиятларда бўлгани каби ислом қадриятлари ҳам тасвирий санъат билан интеграциялашув жараёнларини бошидан кечирган. Ҳар бир дин ўз таълимотидаги қадриятларини ёйиша диний маданиятига эга бўлиши лозим эди. Ислом дини шаклланиши ва ривожланиши жараёнида моддий ва маънавий қадриятларини яратган ва бу қадриятлар санъат асарларида авлоддан авлодга маънавий мерос сифатида ўтиб келмоқда.

Ислом маданиятида диний қадриятлар ва тасвирий санъатнинг интеграциялашуви жараёни амалга оширилган. Масалан, ислом динининг мазмунини ифодаловчи миниатюра, нақш, меъморчилик, каллиграфия, деворий расмлар, китоб санъати турлари ислом ғояларини ўзида мужассам этган диний образларда акс эттириб, кишилар дунёқараши, маънавиятига ижобий таъсир кўрсатган. Айни вақтда, диний қадриятлар ва тасвирий санъат интеграцияси ва унинг инсон маънавий камолотининг муҳим омили бўлган.

Хозирги замонавий рассомларимиз томонидан ўрта аср миниатюрасини ўзлаштиришда кўпроқ ислом динида тасаввуф таълимотини англаш жараёни кечмоқда. Кўпгина рассомлар томонидан тасаввуф таълимотининг руҳи, дунёқараши, эстетик назарияси, унга хос сюжетлар танланишида миниатюра санъатига замонавий ёндашиш усулини ташкил этмоқда.

Санъат асарларида дунёни ҳис қилишнинг, рамзий маъносидан фойдаланиш орқали унинг замонавий оқимлари ҳам пайдо бўлмоқда. Ислом динида миниатюра санъатининг ривожи бевосита китоб билан боғлиқ бўлиб, у ўзига хос нафис тасвирий санъатдир.

“Миниатюра санъати табиат, дунё гўзаллигини жаннат гўзаллигининг бир кўриниши сифатида тасвирлайди. Унда ҳаётдаги гўзалликларда жаннатнинг рамзий бир ифодасини, гўзаллигини беради, деб ёзади Тилаб Маҳмудов”².

² Қаранг: Маҳмудов Т. Миниатюра фалсафаси // Сино. Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси хузуридаги маданият ваколатхонасининг нашри. – Тошкент, 2002. – № 8. – Б. 39.



Дунёдаги ҳар бир кўриниш, ҳодисада яратувчи фалсафаси сезилади. Шарқона диний ахлоқнинг тасвирий санъат билан интеграция жараёни кишиларга катта маънавий озуқа беради. Шунингдек, шарқ кишисининг ахлоқий-маънавий қиёфаси тасвирий санъатда рамзлар орқали берилади. Ҳозирги кундаги Эрон миниатюра санъатининг буюк мусаввири Маҳмуд Фаршчиённинг миниатюраларида илохий тасаввурлар, илохий гўзаллик инсон гўзаллигига акс этиши сифатида тасвирланган³.

Миниатюра санъатида Аллоҳ рамзи “Нур” тимсолида берилади. Ислом санъати фалсафаси ҳақида шундай дейилади: Жаннатнинг сояси йўқ. Жаннат Аллоҳ нури билан мунаввар. Аллоҳ хуснини фақат жаннатдагина кўриш мумкин. Соя бу – зоҳирий нарсаларга хос, ботиний туйгуларга дахлдор эмас. “Миниатюрада сояни кўрсатиш, абадият нурига кўланка ташлашдай, жаннатмакон жойлар хуснига доғ тушириш тарзида идрок этилган. Ҳақ таоло соясиз, соя солмайди, оламга соябон бўлади. Бундан ташқари, миниатюраларда кишиларнинг орқа ўгириб ўтирган ҳолатлари тасвирланмайди”⁴. Уларнинг диний–фалсафий ғоялари мазмуни асосини ахлоқ ташкил қиласиди. Унга кўра, бирорвга орқа ўгириб ўтириш такаббурлик, тарбия кўрмаганликдир. Куръонда айтилганидек, Аллоҳ Таоло шайтонни кибри учун жаннатдан қувган эди.

Инсон чехрасида Аллоҳ Таоло нури акс этар экан, унга тескари ўтириш Ҳаққа юз ўгириш, яъни гуноҳ саналади. Шунинг учун ҳам ўзимизга хос шарқона ахлоқимизга кўра, ёши улутқиши кишиларнинг олдидан орқа ўгириб эмас, тисарилиб чиқиб кетиш одат тусини олган, деб ёзди Тилаб Маҳмудов. Худди шу анъана миниатюра санъатида ҳам акс этган.

Борлиқдаги ҳодисалар, табиат, инсондаги барча гўзалликлар илоҳ нури билан яралган экан, биз уларга, жумладан, инсонга муҳаббат билан қарашимиз лозимлиги ҳақида баён этилади, бу орқали инсон олий қадрият сифатида эъзозланади.

Эрон олими доктор Сайид Гулом Ризо Исломий миниатюра санъатига шундай таъриф беради: “Миниатюра рамзий ва муқаддас санъатдир, зеро, у инсон anglashiga oqiz bўlgan ҳолатлар ва notaniш нарсаларга iшора қиласиди. Миниатюра илохий санъат бўлиб, ҳаёт ҳодисаларига, борлиқнинг пайдо

³ Қаранг: Маҳмудов Т. Миниатюра фалсафаси. ”Саҳоват аҳлининг яхшилиги”. “Тонг юлдузи”. Маҳмуд Фаршчиён асари // Сино. Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси хузуридаги маданият ваколатхонасининг нашри. – Тошкент, 2002. – № 8. – Б. 37-39.; ўша манба: Маҳмуд Фаршчиён. Муножот. – Тошкент, 2004. – № 16. – Б.57.; ўша манба: Маҳмуд Фаршчиён. Нур мұждаси. – Тошкент, 2002. (Бахор. 2-фасл.) – Б. 1.

⁴ Қаранг: Маҳмудов Т. Миниатюра фалсафаси // Сино. Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси хузуридаги маданият ваколатхонасининг нашри. – Тошкент, 2002. – Б. 40.



бўлиши манбалари ва мавжудотларнинг яратувчисига ўз эътиборини қаратади. Шу жиҳатдан миниатюра “Исломий санъатдир”⁵.

Собиқ иттифоқ даврида ишлаб чиқариш санъати оммавий тарғибот воситасига айланиб, унинг мағзизда шахсга сифиниш фояси ётар эди.

Фарб христиан дунёқараши таназзулининг ўрнини Ренесанснинг фантазияси, яъни ялангоч фигуralар эгаллай бошлади. Фарб бадий ижодкорлари ўз фаолиятларини руҳдан фикрга томон бурдилар. Таназзулнинг давомийлигини кузатиш учун эса галеряларга бориш сабоқ бўлади. Фарб элитасининг айримлари исломнинг улуғворлиги ва теранлигини англаштишидди, деб ёзади, америкалик олим Тимоти Ж. Уинтер⁶.

Рус инқилоби даврида рус тафаккурида исломни паст даражали дин, деб билишга хавф туғила бошлади. Аммо рус зиёлилари ислом маданиятига хурмат билан қарашган. Уларнинг фикрича, Самарқанд, Бухоро меъморчилидаги нақшлар гўзаллиги жаннатга чорлаш маъносини билдиради. Ушбу ислом мотивлари таъсирида санъатда қубизм, конструктивизм каби оқимлар пайдо бўла бошлади. Каземир Малевич ўзининг “Қора квадрат” деб номланган буюк асарини “модернизмнинг мутлақ тимсоли” деб атайди. Унингча, модернизм қотиб қолган Фарб материализми тушкунлигига қарши маънавий оқимдир”⁷. Малевич асарининг асосий мавзуси ҳам оддийлик гўзалдир, ҳиссиётдан кўра, умид ишончлироқдир. Каъба илоҳий гўзалликнинг ўзида жамулжам этгандир. Қора тош тафаккур қилишнинг тимсолидир, инсон хақиқат ёзувларда эканлигини ҳис қилишидир. Юрак Каъбанинг улуғворлигини билади, ақл эса тушунмайди, уни бор-йўғи 12 кубометр тош деб ўйлади. Барibir ислом санъати юксак тафаккурга тўладир, деб ёзади Тимоти Ж. Уинтер⁸.

Бугунги санъатдаги модернизм йўналиши ислом қадриятларини янгича талқин қилиши бугунги шахс маънавий дунёқарашини шакллантиришдаги аҳамияти каттадир.

Қуръони каримдаги: “У – Яратувчи, (йўқдан) Бор қилувчи, (барча нарсага) Сурат (ва шакл) берувчи Аллоҳдир. Унинг гўзал исмлари бордир.

⁵ Доктор Сайид Гуломризо Исломий (Эрон). Миниатюра санъатига ўзгача назар // Сино. Эрон Ислом Республикаси хузуридаги маданият ваколатхонасининг нашри. – Тошкент, 2002. – № 8 (фасл-қиши) – Б. 37

⁶ Қаранг: Тимоти Ж. Уинтер. XXI асрда ислом. Постмодерн дунёда киблани топиш. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 47.

⁷ Тимоти Ж. Уинтер. XXI асрда ислом. Постмодерн дунёда киблани топиш. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 50-51.

⁸ Қаранг: Тимоти Ж. Уинтер. XXI асрда ислом. Постмодерн дунёда киблани топиш. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 51-53.



Осмонлар ва Ердаги (бор) нарса Унга тасбех айтур. У Қудратли ва Ҳикматли (зот)дир⁹, деган борлиқни яратиш фалсафаси ислом санъатида берилган.

Хозирги кунда Ўзбекистонда Акмал Нур диний қадриятлар мавзусига ўзига хос тасвирий йўлда мурожаат этади. Унинг асарлари ғоятда чуқур диний-фалсафий мазмунга эга бўлиб, санъаткорнинг таъсир кучи диний қадриятларнинг тимсолий образини яратганлигидадир. Унинг ислом қадриятларини тасвирлашда динийлик ва дунёвийликни замонавий услубда тасвирлаган кўпгина асарларида¹⁰ ва ҳозирда шахсий кўргазмасидаги¹¹ асарларида диний қадриятлар мавзуси кўтарилиган.

Сўфий шоирлар назаридаги илоҳий мазҳардан (мазҳар-илоҳий жамол акс этган киши), (мазҳар-зухурланиш, инъикос демак) илоҳий манбага қараб борадиган рух улар учун энг гўзал руҳдир каби диний қадриятларга мусаввир ўз ижодида модернистик ёндошган яъни реал инсон ҳаёти билан қўшиб юборилган. Ҳаққа етишиш бу машаққат, руҳий покланиш, ишқ орқалидир, мухабbat туйғуси эса Аллоҳ томонидан инсонга берилган қадрият сифатида тасвирлагандек бўлади. Мухабbat тушунчалиси юксак ахлоқий категория бўлиб, тасаввуфнинг асосий тушунчаларидан биридир. Аллоҳ гўзал ва у гўзалликни севади дейилади хадисларда. Шунингдек, Тасаввуф адабиётида “Илоҳий сифатлар кўпроқ аёл сиймосида зоҳир бўлади”¹² дейилади.

Асарларида тошлар, гуллар, олма, анор, нон, қизлар, дарвеш, хомиладор она, қушлар каби тимсоллардан фойдаланади. Ривоят қилишларича, Аллоҳ Таоло Одам Атога шундай марҳамат қилган: “Сенга аталган барча илтифоту муруватларим заифа бандам бўлмиш Момо Ҳаввода тажассум топғон”¹³.

Мусаввир асарларида ислом дини улуғлаган аёлни юксак қадрият сифатида тасвирлайди, шунингдек, динда қадрият тушунчалари асрларида саҳоват, меҳр-муҳабbat, гўзаллик, нурли,adolat, ҳақиқат, улуғворлик, буюклиқ, саҳийлик, бағрикенглик, карамли, кечиримли каби маънавий

⁹ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. / Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 548.

¹⁰ Қаранг: Акмал Нур. Ранг тасвир. “Ишқ менинг саждагоҳимдир”, “Илоҳий ришталар. 2002. –Б.175.; “Севги фариштаси” 2005. –Б.197.; “Кўнгил фаришталари”. 2006. –Б.231.; “Мажозий севги”. 1999.– Б.234.; “Илоҳият фаришталар”. 2006 –Б.235. Муаллиф Ақилова К. –Тошкент: 2008. -318 б.

¹¹ Қаранг: Илова. Акмал Нур. Шахсий кўргазма. “Илоҳий севги”. 2011, “Жаннатнинг овози”. 2010. “Севгининг овози”. 2010. “Илоҳий нур”. 2010. “Илоҳий ризқ”. 2010. “Диний бағрикенглик”. 2011.

¹² Аннемарие Шиммел. Жонон менинг жонимда.-Тошкент: “Шарқ”, 1999. –Б.97.

¹³ Аннемарие Шиммел. Жонон менинг жонимда. -Тошкент: “Шарқ”, 1999.-Б.29.



тушунчалар мазмунида тасвириланган. Унинг “Диний бағрикенглик” номли асарларида диний бағрикенглик гояларини илгари суради.

ХХ аср тасвирий санъатидаги модерн услуби рассом билиб бўлмайдиган, ақл бовар қилмайдиган дунёниг иллюзияларини ифодалайди. Улар тасвирий санъатдаги турли оқимлар – экспрессионизм, сюрреализм, футуризм, кубизм кабилардир. Улар диний илоҳий-мазмун, оламдаги нарсаларнинг мазмунини тимсоллар орқали яратадилар.

Модернизм назарияси жамиятнинг дунё миқиёсидаги турли туманлигини, унинг бетакор хусусиятлари ва белгиларини ўрганади. Жамиятнинг ўзига хос томонларини таҳлил қилганда ижтиомий ҳаётнинг хилма-хил, мураккаб эканини, уни алоҳида назариялар билан ифодалаб бўлмаслигини кўрсатади. Модернизм бу анъанавий жамиятдан ҳозирги жамиятга ўтиш жараёнидир.

Ҳозирги кўпгина санъатшунослар, файласуфлар постмодернизм чегарасида фикр юритадилар. Модернизмда нарсалар, буюмлар қадрияти ортса, анъанавий жамиятда дунёқараш қадрияти биринчи ўринда туради. Постмодернизмда маънавийлик ва моддийлик уйғунлашади¹⁴.

Мусаввир Жамол Усмонов картиналарида ислом анъаналарини кўрамиз. Унинг дунёқарашида, асарларининг мазмунида ал-Ғаззолий, Фаридиддин Аттор, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий кабиларнинг қарашлари сезилади. У мусулмон маданиятида Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” (“Куш тили”) матнлари ва Алишер Навоийнинг шеъриятига ёндошиб асарларида Оллоҳнинг яширин намоён бўлиши, яъни Оллоҳни тасвирида кўрсатмаслик анъанасидан боради. Мусаввир бевосита диний-илоҳий қадриятларни тасвирий санъат орқали уйғунлаширади, яъни интеграциялаш жараёнини амалга оширади¹⁵. У бевосита тасаввуф ғояларига замонавийлик рухи киритилган бўлиб, мазмуни чуқур ва кенг мушоҳада берилган, у шарқ фалсафасини пластик образларида яратади. Ҳозирги давр санъатида ижодкорларнинг ўз ижодий “Мен”ини кўрсатиш асосий тамойил бўлиб қолмоқда.

Файзулла Аҳмадалиевнинг “Дарвеш ҳаёти” асари бўз матога бўёқлар

¹⁴ Қаранг: Раҳимов И.А., Ўтамуродов А. Фанларнинг фалсафий масалалари. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2005. – Б. 180 – 182.

¹⁵ Қаранг: Усмонов. Ж. Зикри хуфий. 1994 й // Санъат. Ўзбекистон бадиий академияси журнали. – Тошкент, 2000. – № 4. – Б. 27.; ўша манба: “Кушлар”.–Тошкент, 1999. №3. – Б.28.



билин ишланган. Асар дарвеш ҳаётига бағишлилангани учун фрагментларда соддаликни кучайтиради. Ундаги шакллар контраст берилади. Бунда дарвеш кўнгли ва ҳаёт контрастлик тарзида таққосланган. Зотан, ҳаёт гўзал ва бу ҳаётда жуда кўп зиддиятлар мавжуд. Мусаввир моддий дунёни ранг-баранг, баҳор, гуллар, мевалар, қушларнинг сайраши, борингки, ҳаёт нафосати, тўфони, қудрати барчаси илоҳий тажалли сифатида тасвирилаган. Аммо моддийликка кўнгил қўйиш инсонни нафс домига гирифтор қиласади. Бу дунё ўткинчидир. Фақат Унгагина интилиш зарур. Дарвешнинг юзи қоп-қора тасвириланган. Чунки дарвеш ҳаёти зоҳидлик. Асар фонидаги турли нақшлар, шакллар, рангларда ҳаётдаги зиддиятлар фалсафаси бор.

Хозирги кунда дин қадриятлари ва санъат интеграцияси жараёнлари янги давр заруриятидан келиб чиқиб, миллий хусусиятлар ўз ифодасини топмоқда. Аслида миллий хусусиятлар акс этган ҳақиқий санъат асарлари умуминсоний маданият ривожига ўз хиссасини қўшади. Чунки миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилади.

Зеро, барча миллатлар учун инсон қадри, унинг ҳақ-хуқуқлари умуминсоний мавзулар бўлиб, улар барча миллат ва халқларга тегишли қадриятлардир. Умуминсонийлик мавзуси кенг бўлиб, уларда табиат ҳамда инсон гўзаллиги, инсон қадри, кишини ўйлантирувчи муаммолар, маънавий, ахлоқий ва эстетик қарашлар ўз ифодасини топади. Замонавий асарларда ҳам, энг аввало, диний ахлоқ билан бирга миллий ғоялар, миллат келажаги, миллий ғурур, миллий онг, ўзликни англаш, дунёни ва инсонни билиш масалалари кишини ўйлашга мажбур қиласади. Томошабин асар мағзини тўғри англаса, унинг дунёқараши, онги, маънавий дунёси ўсади.

Дин ва санъат қадриятларида илмий тамойилга ҳам амал қиласади. Тасвирий санъат асарларида диний дунёқараши ва дунёвийлик бугунги замонавий рассомларимиз изходида анъанавий тарзда қўлланиб келинмоқда. Масалан, Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” номли машҳур достони асосида тасвирий санъат асари яратиш ҳозир кўргина мусаввирларни кизиқтиримоқда.

Умуман дин ва санъат қадриятлари интеграцияси жараёнларида ўтмиш тарихи узлуксиз ривожланишдан иборат. Инсоният тарихида диний ғояларнинг ривожланиши билан ҳар бир динда унга хос санъат турлари ҳам мавжуд бўлган ва ўша диний мағкуранинг ғоявий воситачиси сифатида фаолият кўрсатган. Зардуштийлик, буддавийлик, ислом динининг ҳам тасвирий санъат билан интеграция жараёнини амалга оширганини тарихий санъат асарлари тасдиқлайди. Шунинг учун



Камолиддин Беҳзод кабиларнинг ижодий мероси умуминсоний қадрият сифатида ўрганилади, эъзозланади. Бу санъат асарлари бизга ўлмас қадрият бўлиб қолди.

Дин ва санъат қадриятлари интеграцияси универсалдир. Чунки миллий санъатимиз бўлган миниатюра санъати анъаналаридан фойдаланган ҳолда модернизм йўналишида ҳам ижод қилаётган кўплаб ижодкорлар бор. Анъанавий санъатнинг тикланиши бевосита ўзбек маданиятини ривожлантиришда, миллий дунёкараси ҳамда баркамол инсонни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Адабиётлар :

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сон <https://lex.uz/docs/4545884>
2. Қаранг: Маҳмудов Т. Миниатюра фалсафаси // Сино. Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси хузуридаги маданият ваколатхонасининг нашри. – Тошкент, 2002. – № 8. – Б. 39.
3. Қаранг: Маҳмудов Т. Миниатюра фалсафаси. ”Саҳоват аҳлининг яхшилиги”. “Тонг юлдзузи”. Маҳмуд Фаршчиён асари // Сино. Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси хузуридаги маданият ваколатхонасининг нашри. – Тошкент, 2002. – № 8. –Б. 37-39.; ўша манба: Маҳмуд Фаршчиён. Муножот. –Тошкент, 2004. – № 16. – Б.57.; ўша манба: Маҳмуд Фаршчиён. Нур муждаси. –Тошкент, 2002. (Баҳор. 2-фасл.) – Б. 1.
4. Қаранг: Маҳмудов Т. Миниатюра фалсафаси // Сино. Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси хузуридаги маданият ваколатхонасининг нашри. – Тошкент, 2002. – Б. 40.
5. Доктор Сайайд Ғуломризо Исломий (Эрон). Миниатюра санъатига ўзгача назар // Сино. Эрон Ислом Республикаси хузуридаги маданият ваколатхонасининг нашри. – Тошкент, 2002. –№ 8 (fasl-қиши) – Б. 37
6. Қаранг: Тимоти Ж. Уинтер. XXI асрда ислом. Постмодерн дунёда қиблани топиш. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 47.
7. Тимоти Ж. Уинтер. XXI асрда ислом. Постмодерн дунёда қиблани топиш. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 50-51.



Research Science and
Innovation House

**“JOURNAL OF SCIENCE-INNOVATIVE RESEARCH IN
UZBEKISTAN” JURNALI**

VOLUME 1, ISSUE 6, 2023. SEPTEMBER

ResearchBib Impact Factor: 8.654/2023

ISSN 2992-8869



Research Science and
Innovation House

8. Қаранг: Тимоти Ж.Уинтер. XXI асрда ислом. Постмодерн дунёда қиблани топиш. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 51-53.
9. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. / Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 548.
10. Қаранг: Акмал Нур. Ранг тасвир. “Ишқ менинг саждагоҳимдир”, “Илоҳий ришталар. 2002. –Б.175.; “Севги фариштаси” 2005. –Б.197.; “Кўнгил фаришталари”. 2006. –Б.231.; “Мажозий севги”. 1999.– Б.234.; “Илоҳият фаришталар”. 2006 –Б.235. Муаллиф Акилова К. –Тошкент: 2008. -318 б.
11. Қаранг: Илова. Акмал Нур. Шахсий кўргазма. “Илоҳий севги”. 2011, “Жаннатнинг овози”. 2010. “Севгининг овози”. 2010. “Илоҳий нур”. 2010. “Илоҳий ризқ”. 2010. “Диний бағрикенглик”. 2011.
12. Аннемарие Шиммел. Жонон менинг жонимда.-Тошкент: “Шарқ”, 1999. –Б.97.
13. Қаранг: Раҳимов И.А., Ўтамуродов А. Фанларнинг фалсафий масалалари. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти , 2005. – Б. 180 – 182.
14. Қаранг: Усмонов. Ж. Зикри хуфий. 1994 й // Санъат. Ўзбекистон бадиий академияси журнали. – Тошкент, 2000. – № 4. – Б.

**Research Science and
Innovation House**